

12-1-2018

## INVOLVING FOREIGN DIRECT INVESTMENTS BY STATE-PRIVATE PARTNERSHIP

N. Oblomurodov  
*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Oblomurodov, N. (2018) "INVOLVING FOREIGN DIRECT INVESTMENTS BY STATE-PRIVATE PARTNERSHIP," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 19.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Обломуродов Н.Н. – ТМИ, мустақил тадқиқотчи и.ф.н., доц.**

## **ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ**

Иқтисодий ўсиш суръатларини барқарорлигини таъминлаш мамлакатнинг тегишли инфраструктура объектларини замонавий талаблар даражасида бўлишини тақозо этади. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, инфраструктурани ривожлантириш нафақат давлат бюджети маблағлари, балки инфраструктура лойиҳаларига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали ҳам амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур мақолада мамлакатимизда инфраструктура соҳасини ривожлантиришга хусусий инвестицияларни жалб қилиш механизмлари асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** инвестициялар, инфраструктура лойиҳалари, давлат-хусусий шериклик, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар.

High rates of economic growth require the development and maintenance of the necessary infrastructure. As international experience shows, infrastructure development should not be limited to budget financing. An important role in the modernization of infrastructure plays domestic and foreign investments. This article analyzes the mechanisms for attracting private investment into infrastructure projects.

**Key words:** investments, infrastructure projects, public-private partnerships, foreign direct investments.

Высокие темпы экономического роста требуют развитие и поддержание на должном уровне необходимую инфраструктуру. Как показывает мировой опыт, развитие инфраструктуры не должно ограничиваться бюджетным финансированием. Важную роль в процессе модернизации играют привлечение внутренних и иностранных инвестиций. В данной статье обоснованы механизмы привлечения частных инвестиций в инфраструктурные проекты.

**Ключевые слова:** инвестиции, инфраструктурные проекты, государственно-частное партнерство, прямые иностранные инвестиции.

### **Кириш**

Иқтисодий ўсиш суръатларини барқарорлигини таъминлаш мамлакатнинг тегишли инфраструктура объектларини замонавий талаблар даражасида бўлишини тақозо этади. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, инфраструктурани ривожлантириш нафақат давлат бюджети маблағлари, балки инфраструктура лойиҳаларига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали ҳам амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Инфраструктурага йўналтирилаётган инвестициялар иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва янги иш ўринлари яратишнинг муҳим омили сифатида қаралиши керак. Инфраструктурага инвестициялар ўз навбатида чекланган ресурслар ва ишчи кучини қайта тақсимлаш, айниқса стагнация шароитида фаолият кўрсатаётган айрим соҳа ва тармоқлардан барқарор иқтисодий ўсишни

таъминлашга хизмат қилувчи тармоқларга йўналтиришга ёрдам беради. Бюджет маблағлари ҳисобидан инфраструктура объектларига йўналтирилган ҳар бир 1 доллар ўз навбатида 1,59 доллар хусусий инвестицияларни рағбатлантиради[1]. Бу эса инфраструктурага инвестицияларнинг мультипликацион эффекти юқорилигини кўрсатади.

Амалга оширилаётган кенг кўламли модернизациялаш жараёнида хусусий инвестицияларни жалб қилиш ва уларни молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши 1996-2000 йиллардаги ўртача 3,1 фоиздан, 2011-2017 йилларда 13,5 фоизга кўтарилди[2]. Ушбу кўрсаткич бошқа МДҲ мамлакатлари билан солиштирганда (2011-2017 йилларда Озарбайжон – 32,3%, Қирғизистон – 26,9%, Қозоғистон – 18,1%) мавжуд салоҳиятимизга мос эмаслигини кўриш мумкин[3].

Шу билан бирга, иқтисодиётда давлат аралашувининг юқорилиги ва бюрократия, солиқ, божхона ҳамда банк тизимидаги мавжуд муаммолар ички инвестицияларни кўпайтиришга ва хорижий сармоядорларни янада кенгрок жалб этишга ҳали ҳам тўсиқ бўлиб келмоқда. Мазкур мақолада мамлакатимизда инфраструктура соҳасини ривожлантиришга хусусий инвестицияларни жалб қилиш механизмлари асослаб берилган.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Инвестицион муҳитни яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг илмий-назарий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, табиий-ҳўжалик асослари, жумладан, инвестицион жозибадорлик ва бизнес муҳитга баҳо бериш (World Bank and International Finance Corporation), инвестиция нормаси, иқтисодий ўсиш ва бошқа муҳим иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни эконометрик тадқиқ этиш (International Monetary Fund, IMF), ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инвестиция муҳити ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (European Bank for Reconstruction and Development, EBRD), тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар детерминантлари (National Bureau of Economic Research, NBER), инфраструктура лойиҳаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари (Asian Development Bank Institute) билан боғлиқ тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилмоқда.

Осиё тараққиёт банки томонидан давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва инфраструктура лойиҳаларига хусусий инвестицияларни жалб этиш масалаларига оид қатор илмий изланишлар амалга оширилган. Жумладан, Global Determinants of Stress and Risk in Public-Private Partnerships (PPP) in Infrastructure, Renato Reside, 2009, An Impact Evaluation of Investment in Infrastructure: The Case of the Railway Connection in Uzbekistan, Naoyuki Yoshino and Umid Abidhadjae, 2015 каби ишларни қайд этиш лозим. Шунингдек, ОТБ томонидан махсус қўлланма (ADB Public-Private Partnerships Handbook, 2008) нашр этилган бўлиб, давлат органлари ва бошқа манфаатдор идоралар ходимлари учун давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва

амалга ошириш жараёнини қамраб олган [4].

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш миллий маркази (Россия Федерацияси) томонидан қатор тадқиқотлар ўтказилган. Жумладан, «Лучшие практики реализации проектов государственно-частного партнерства в социальной сфере» (2016), «Государственно-частное партнерство в странах евразийского экономического союза» (2017), «Проект национального доклада о привлечении частных инвестиций в развитие инфраструктуры и применении механизмов государственно-частного партнерства в Российской Федерации» (2018) каби ишларни келтириш мумкин [5].

Шу билан бирга, Ўзбекистон шароитида давлат-хусусий шериклик асосида инфраструктура лойиҳаларига хусусий инвестицияларни жалб этиш, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва устувор йўналишларни аниқлаш, инфраструктура лойиҳаларига хусусий инвестицияларни жалб этишнинг янги механизмларини жорий этиш масалаларини тадқиқ этишга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот ишида тизимли таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, регрессион таҳлил ва бошқа усуллар қўлланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Давлат-хусусий шериклик инфраструктурани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Маълумки, кўплаб мамлакатлар ортиқча юкланган йўллар, ёмон хизмат кўрсатадиган трассалар, сув қувурлари ҳолатининг, канализация ва бошқа инфраструктура объектларининг ёмонлашуви кўринишдаги “инфраструктуранинг тақчиллиги”га дуч келмоқда. Инфраструктура муаммоларини ҳал қилиш учун фақатгина бюджет маблағларининг ўзи етарли эмас.

Янги инфраструктура объектларини ишга тушириш ва модернизация қилиш учун инвестицияларни молиялаштиришнинг мавжуд механизмларига қўшимча усуллар ва манбаларни топиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Давлат-хусусий шериклик давлат сектори томонидан хусусий сектор билан шартнома тузиш учун қўлланиладиган инновацион усулларни кўзда тутди ва белгиланган вақт ва бюджет чекловлари доирасида лойиҳаларни амалга оширишда аҳолига тегишли инфраструктура хизматларини кўрсатиш, иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ва турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Давлат-хусусий шериклик амалиётида ишларни бажариш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларни кўрсатиш, бошқариш, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш, техник ёрдам кўрсатиш; анъанавий шаклдаги ва лизинг шаклидаги ижара (ижара шартномалари); маҳсулот тақсимооти ҳақидаги келишувлар; қўшма корхоналар энг кенг тарқалган шакллар ҳисобланади. Шунингдек, яна бир қатор ДХШ моделлари ҳам борки, улар туфайли давлат ва хусусий сектор масъулият ва қалтисликни қабул қилиш соҳаларини ўзаро тақсимлаб олади.

Инфраструктурага йўналтирилаётган инвестициялар иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва янги иш ўринлари яратишнинг муҳим омили сифатида қаралиши керак. Инфраструктурага инвестициялар ўз навбатида чекланган ресурслар ва ишчи кучини қайта тақсимлаш, айниқса стагнация шароитида фаолият кўрсатаётган айрим соҳа ва тармоқлардан барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилувчи тармоқларга йўналтиришга ёрдам беради. Бюджет маблағлари ҳисобидан инфраструктура объектларига йўналтирилган ҳар бир 1 доллар ўз навбатида 1,59 доллар хусусий инвестицияларни рағбатлантиради [6]. Бу эса инфраструктурага инвестицияларнинг мультипликацион эффекти юқорилигини кўрсатади.

Халқаро амалиётда йўл инфраструктурасини модернизациялаш ва янги автомобиль йўлларни қуриш ва бошқаришда давлат-хусусий сектор шериклик механизмларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу каби моделлар давлат сектори учун узоқ муддатли инфраструктура лойиҳаларини молиялаштиришга бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш имкониятини яратса, хусусий инвесторлар учун эса ўзаро манфаатли инвестицион лойиҳаларга пул маблағларини тикишга йўл очиб беради.

1- Жадвал.

**Инфраструктура лойиҳаларида  
хусусий сектор иштирокини таъминлаш механизмлари<sup>1</sup>**

Шартнома турлари	Тарифларни йиғиш	Активларнинг эгаллиги
Бошқариш ва хизмат кўрсатиш шартномалари (5 йилдан 10 йилгача)	Давлат	Давлат
Лизинг шартномаси (5 йилдан 10 йилгача)	Давлат	Давлат
Қурилиш-бошқариш-ўтказиш шартномаси (20 йилдан 30 йилгача)	Хусусий сектор	Лойиҳани амалга ошириш даврида – хусусий сектор; муддат тугаганидан сўнг – давлат
Концессия шартномаси (20 йилдан 30 йилгача)	Хусусий сектор	Концессия даврида - хусусий сектор; муддат тугаганидан сўнг – давлат

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, МДҲ давлатларида сўнгги 10 йил мобайнида давлат-хусусий шериклик механизмлари инфраструктура лойиҳаларини амалга оширишда кенг кўламда жорий этилмоқда. Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда давлат-хусусий шерикликнинг турли моделлари энергетика, транспорт ва ижтимоий инфраструктура соҳасида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда маълум тажриба тўпланди. Давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллашга кўмаклашиш мақсадида Россия ва Қозоғистонда махсус ДХШ марказлари ташкил этилган бўлиб, манфаатдор томонларга маслаҳатлар кўрсатиш, лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, лойиҳалар базасини шакллантириш ва ўқув

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан халқаро ташкилотлар материалларини таҳлили асосида тузилди.

курслари ташкил этиш билан шуғулланади [7].<sup>2</sup>

МДХ мамлакатларида транспорт инфраструктураси ва автомобиль йўллари соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмини қўлланилишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Биринчидан, йўлларда тирбандлик муаммосини ҳал этиш ва тезюрар йўлларни ишга тушириш мақсадида пуллик автомагистраллар қурилишига йирик хусусий инвесторлар жалб этиш тажрибаси синовдан ўтказилмоқда. Бундай лойиҳаларни амалга оширишнинг муҳим жиҳати бу пуллик автойўллар мавжуд автомагистраль йўлларини тўлдирувчи вазифасини бажаради, яъни транспорт воситалари ҳайдовчилари икки муқобил йўлдан бирини танлаш имкониятига эгадирлар. Иккинчидан, хусусий инвесторлар йўл қурилишига ўз маблағларини тикиши ва узоқ муддатли манфаатдорлик ҳисобига йўллар қурилиши ва эксплуатацияси жараёнида энг юқори сифат ва техник талабларни жорий этилишига ҳамда молиявий интизомни таъминлашга муносиб ҳисса кўшиб келмоқда.

Замонавий шароитда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида транспорт инфраструктурасининг ўрни тобора ошиб бормоқда. Йўл ҳўжалиги соҳасининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга экани унинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Иқтисодиётнинг умумий ривожини, аҳоли барча қатламларининг ҳаёт сифати айна шу тизимнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ. Мустақиллик йилларида кенг қамровли транспорт алоқалари ҳамда халқаро транспорт ташувларини таъминлашга қаратилган йўл-транспорт инфраструктурасини ривожлантириш бўйича катта ишлар қилинди. Ички ва ташқи савдони жадаллашуви, тадбиркорликнинг ривожланиши ва аҳоли сонининг йил сайин ортиб бориши табиий равишда юк ва йўловчиларни оқимини оширмоқда.

Бизнинг фикримизча, хусусий секторнинг имкониятларидан йўл инфраструктурасини ривожлантириш, қурилиш ва сақлаш ишлари сифатини яхшилаш ва қўшимча инвестицияларни жалб қилиш учун ҳали етарли даражада фойдаланилмапти. Қонунчилик ва амалдаги ҳолатни таҳлил қилиш асосида автомобил йўлларини қуриш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида хусусий сектор корхоналари иштирокини янада кенгайтириш имконини берувчи қуйидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, йўл қурилиш ишлари бозорида рақобатни ривожлантириш. Бугунги кунда автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш бозорида юқори даражада концентрация сақланиб қолмоқда. Автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибига кирувчи корхоналар маҳаллий бозорларда (республика ҳудудлари ва вилоятларда) энг юқори улушга эгадирлар. Маҳаллий аҳамиятга молик шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларнинг (туман, шаҳар) кўчаларини таъмирлаш асосан Автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибига кирувчи ҳудудий корхоналар томонидан амалга оширилади. Ҳисоб-китобларга кўра, йўл қурилиш бўйича иш ҳажмининг қарийб 90 фоизи давлат қўмитаси таркибига кирувчи корхоналар томонидан амалга оширилади. Хусусий корхоналарнинг

---

<sup>2</sup> Қазақстанский центр государственно—частного партнерства, <http://kzppp.kz>, Национальный центр государственно-частного партнерства, <http://pppcenter.ru>



ушбу бозорда иштироки уларнинг ривожланмаган моддий-техник базаси, чекланган молиявий имкониятлари ва мураккаб лойиҳаларни амалга оширишда тажриба етишмаслиги билан чекланади.

2- Жадвал.

**МДХ мамлакатларида автомобиль йўллари соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмини қўлланилиши [8]**

Давлатлар	Лойиҳалар	Муҳим жиҳатлари
Россия	Ғарбий тезюар диаметр, Санкт-Петербург	Россиядаги биринчи пуллик шаҳар автомагистрали, Йўлнинг умумий узунлиги 46,6 км, лойиҳанинг умумий қиймати 121 млрд.рубль, шундан 69 млрд.рубль хусусий инвестор ва қарз маблағлари ҳисобланади
	Янги тезюар пуллик автойўл М-11 «Москва - Санкт-Петербург»	Москва - Санкт-Петербург йўналишидаги муқобил автойўл, Йўлнинг умумий узунлиги 669,0 км, лойиҳанинг умумий қиймати 152,8 млрд.рубль, шундан 25% хусусий инвестор маблағлари ҳисобланади
Беларусь	М-10 автомобиль йўлини (109,9 – 195,15 км оралиғи) реконструкция қилиш	Россия чегарасидан Гомель-Кобрин шаҳарларига боровчи умумий узунлиги 85,25 км бўлган 2-полосали йўлни 4-полосагача кенгайтириш ва кейинчалик эксплуатация қилиш, лойиҳанинг умумий қиймати 260 млн.долл.
Қирғизистон	Бишкек шаҳрида муниципал автопарковкалар тармоғини модернизациялаш	47та муниципал автопарковкалар тармоғини модернизациялаш, шу жумладан, техник жиҳозлаш, таъмирлаш ва хизматлар кўрсатиш, лойиҳанинг умумий қиймати 3,0 млн.долл., 100% хусусий инвестор маблағлари

Иккинчидан, йўл қурилиш ишларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш. Йўлларни қуриш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун молиявий маблағларнинг етишмаслиги, шунингдек, йўлларни таъмирлаш корхоналарининг техник жиҳозланиш даражаси пастлиги ушбу соҳага бюджет маблағлари билан бирга хусусий инвестицияларни жалб этишни тақозо этади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, кўплаб давлатларда давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланган ҳолда хусусий сектор маблағларини жалб қилиш ривожланмоқда. Мисол учун, қатор Европа мамлакатларида (Италия, Испания ва Португалия) йўл қурилиш ишларини бажариш ҳуқуқини қўлга киритган хусусий корхоналарга автомобил йўлларини камида 10 йўл давомида бошқариш имкони берилган. Бошқа мамлакатларда (шу жумладан, Франция, Исроил, Корея, Япония, Ҳиндистон, Бразилия, Аргентина, Чили) хусусий фирмаларга “Қурилиш-эксплуатация қилиш-ўтказиш” тамойили асосида йўл қурилишига инвестиция киритади. Ушбу лойиҳалар доирасида хусусий корхоналар ўз маблағларини камида 15-20 йил ишлайдиган муқобил пуллик йўл участкаларини қуришга йўналтиради ва шартнома охирида объектни давлат балансига ўтказиши.



**1-расм. Автойўллар соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмини қўллаш схемаси**

Бу хусусий секторнинг инвестицион маблағларини жалб қилиш, хусусий корхонанинг давлат органи талабларига мувофиқ йўл-қурилиш ишларининг сифатли бажарилишига бўлган хусусий операторнинг қизиқишини оширади, шунингдек, ушбу йўлдан фойдаланадиган, машина ва йўловчилар сонини ошириш мақсадида қўшимча шароитлар яратилишини ва йўллارни юқори даражада сақлашни таъминлайди.

Бундай механизмларни Ўзбекистон шароитида амалиётга жорий этиш учун давлат органи ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатлари, йўл қурилиши ва инфраструктура лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга маълум ўзгартиришлар киритиш зарур.

Инфраструктура объектларини қуриш ва фойдаланиш соҳасида хусусий тадбиркорлик субъектларини иштирокини таъминлаш ҳамда рақобатни ривожлантиришнинг борасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Автомобил йўллари тўғрисида”ги Қонунига йўл қурилиш ишларини бажаришга хусусий сектор маблағларини жалб қилиш имкониятини берувчи ўзгартиришлар киритиш. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Концессиялар тўғрисида”ги Қонунига давлат ва хусусий инвестор ўртасидаги концессион битимларни объектлари қаторига автомобил йўллари киритиш тавсия этилади. Концессия битимлари асосида йўллар қурилиши бўйича лойиҳаларга хусусий инвесторлар маблағларини жалб қилиш процедураларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш.

### **Хулоса ва таклифлар**

Инфраструктура билан боғлиқ муаммолар негизида бошқа ривожланган



мамлакатлар каби “икки томонлама тақчиллик” ётибди. Биринчидан, ресурсларнинг етишмаслиги, ва иккинчидан, улардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги. Давлат бу муаммони фақатгина ўз имкониятлари доирасида ечимини топа олмайди – бунинг учун зарур бўлган маблағлар етарли миқдорда мавжуд эмас ва давлат секторида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ қийинчиликлар кузатилмоқда;

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, инфраструктура соҳасининг самарадорлиги унинг тижорат асосига ўтказилиши (жумладан, вазифалар ва қоидаларнинг аниқлиги, молиявий ва бошқарув автономлиги, бюджет чекловларинг қатъийлиги, хизмат кўрсатувчининг истеъмолчи ва инвесторлар олдидаги масъулияти) ва соҳада рақобат тамойилини жорий этилиши билан таъминланади. Хусусий корхоналарнинг инфраструктура соҳасига жалб қилиниши бундай талабларнинг бажарилишига ёрдам беради;

Хусусий секторнинг инфраструктура лойиҳаларида иштирок этишнинг энг кенг тарқалган шаклларида бири давлат-хусусий шериклик ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, жумладан, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, тармоқлар бўйича инвестицион лойиҳаларни тартибга солувчи хужжатлар пакетини ишлаб чиқиш лозим;

Давлат-хусусий шерикчилик тамойиллари асосида йўл қурилиши ва транспорт инфраструктураси, муқобил энергия манбалари, ижтимоий объектлар, шу жумладан, туризм инфраструктураси объектларини қурилиши каби устувор соҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. The Center for budget and policy priorities, The Financial Crisis: Lessons for the Next One, Alan Blinder and Mark Zandi, 2015 <https://www.cbpp.org/research/>
2. Давлат статистика қўмитаси, [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
3. <https://data.worldbank.org>
4. Осиё тараққиёт банки расмий веб-сайти <https://www.adb.org/documents/public-private-partnership-ppp-handbook>
5. Национальный центр ГЧП, <http://pppcenter.ru/analitika/issled.html>
6. The Center for budget and policy priorities, The Financial Crisis: Lessons for the Next One, Alan Blinder and Mark Zandi, 2015 <https://www.cbpp.org/research/>
7. Казахстанский центр государственно—частного партнерства, <http://kzppp.kz>, Национальный центр государственно-частного партнерства, <http://pppcenter.ru>
8. Государственно-частное партнерство в странах евразийского экономического союза, практическое руководство для инвесторов, Центр развития ГЧП, [www.pppcenter.ru](http://www.pppcenter.ru)